

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

19-сон
(79)
2003 й.
октябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;
иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;
учинчи бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;
тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

163. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 518-II-сон Қонуни
164. «Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августдаги 519-II-сон қарори
165. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 520-II-сон Қонуни
166. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августдаги 521-II-сон қарори
167. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 522-II-сон Қонуни
168. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 523-II-сон Қонуни
169. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

публикаси Конунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 524-II-сон Конуни

170. «Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августдаги 525-II-сон қарори
171. «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 526-II-сон Конуни
172. «Жамоат фондлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 527-II-сон Конуни
173. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августдаги 528-II-сон қарори
174. «Банк сири тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги 530-II-сон Конуни
175. «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги 531-II-сон қарори

Иккинчи бўлим

176. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш ва ўз кучини ўйкотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 октябрдаги ПФ-3323-сон Фармони

Учинчи бўлим

178. «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 октябрдаги 420-сон қарори
179. «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги 421-сон қарори
181. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини ўйкотган деб ҳисоблаш ҳамда айримларига ўзгартирishлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 октябрдаги 434-сон қарори
182. «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарори
183. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сон қарори

184. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 445-сон қарори

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни

163 «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (илова қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
518-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида (янги таҳрири)

I. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (куйи палата) (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) худудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз ўйигрма депутатдан иборат.

Қонунчилик палатаси депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов хукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

2-модда. Умумий сайлов ҳукуки

Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) сайлаш ҳукуқига эгадирлар.

Конунчилик палатасига сайланиш хуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд хукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

3-модда. Тенг сайлов хуқуқи

Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машрутининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов хуқуқига эгадирлар.

4-модда. Тўғридан-тўғри сайлов хуқуқи

Конунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

5-модда. Яширин овоз бериш

Конунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик

Конунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вактидан воказиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар (бундан буён матнда депутатликка номзодлар деб юритилади) хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиласадилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гурухларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш хуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли хужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гурухлари ўз кузатувчилари тўғрисида Конунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига (бундан буён матнда депутатликка номзодлар деб юритилади) сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиласадилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гурухидан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичida беради.

Кузатувчилар қўйидаги хуқуқларга эга:

депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишлиланган йигиришларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлислирида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов кутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқиша ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига ўйл қўйилган деб хисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юкори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

Кузатувчиларга қўйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишида, овозларни санаб чиқиша аралашиб.

2-боб. Сайлов округлари ва сайлов участкалари

7-модда. Сайлов округларини тузиш

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз йигирмата ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари (бундан буён матнда сайлов округлари деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловга камида етмиш беш кун қолганида эълон қиласди.

8-модда. Сайлов участкалари тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган ердаги сайлов округига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даво-

лаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига биркитиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлarda ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, алоҳида ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, коида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган холда ҳар бир сайлов участкасиning чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қиласди.

3-боб. Сайлов комиссиялари

9-модда. Сайлов комиссиялари тизими

Қонунчилик палатасига сайлов қўйидагилар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади:

Марказий сайлов комиссияси;
округ сайлов комиссиялари;
участка сайлов комиссиялари.

10-модда. Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

11-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қиласди ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ҳамда тушунтиришлар бериб боради;
- 2) сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;
- 3) округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласди;
- 4) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, уларнинг таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди, округ сайлов комиссияларининг

қарорларини, агар бу қарорлар ушбу Конунга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши мумкин;

5) Ўзбекистон Республикасидан ташкарида тузиладиган сайлов участкалари ни қайси сайлов округига биркитиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

6) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташибускор гурухларининг тегишли хужжатларини қабул қилиб олади;

7) депутатликка номзодларни рўйхатга олади;

8) депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

9) пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласди, сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

10) Конунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг, сайловга доир бошқа хужжатларнинг намуна ва шаклларини, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир хужжатларни саклаш тартибини белгилайди;

11) сиёсий партиялар, вазириклар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлик масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

12) сайловнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий якунини чиқаради, сайланган депутатларни рўйхатга олади, Конунчилик палатасига ўтказилган сайлов якунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қиласди;

13) депутатларга Конунчилик палатаси депутатининг гувоҳномаси ва қўкрак нишонини беради;

14) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-харакатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;

15) ушбу Конун жиноий жавобарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

16) сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлик хужжатлар архивларга топширилишини таъминлайди;

17) ушбу Конун ва бошқа қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

12-модда. Округ сайлов комиссиясини тузиш

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камидаги олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси:

1) сайлов округи худудида ушбу Конун ижросини назорат қиласди;

2) сайлов участкаларини тузади, сайлов округи бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган холда уларнинг рўйхатини эълон қиласди;

- 3) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- 4) маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлашишини назорат қиласи ва сайлов округида сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;
- 5) депутатликка номзодни қўллаб-кувватловчи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гурухларининг ваколатли вакилларидан қабул қилиб олади, уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади;
- 6) депутатликка номзодни қўллаб-кувватловчи имзо варақалари қабул қилингани тўғрисида сайловчилар ташаббускор гурухларининг ваколатли вакилларига варақа қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради;
- 7) депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;
- 8) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласи ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради;
- 9) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;
- 10) депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва бу вакилларга тегишли гувоҳномалар беради;
- 11) сиёсий партиялар, махаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлик масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;
- 12) сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;
- 13) сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намуна-га мувофик сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминланишини ташкил этади;
- 14) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;
- 15) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади;
- 16) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-харакатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қиласи;
- 17) ушбу Конун ва бошқа қонунларга мувофик ўзга ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн, тўккиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузу-

рида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

15-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

- 1) участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузади;
- 2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таниширади, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қиласди ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;
- 3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади;
- 4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;
- 5) овоз бериш бинолари ва сайлов кутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- 6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;
- 7) сайлов участкасида берилган овоздарни хисоблаб чиқади;
- 8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;
- 9) ушбу Конун ва бошқа қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик

Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Корақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида мухокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида мухокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Конун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган тақдирда ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Конунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Депутатликка номзодлар сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

17-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати

Сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия таркибининг камидан учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколат

ли ҳисобланади. Комиссия қарори очик овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Агар овозлар teng бўлиниб колса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қўйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туришлари шарт.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар комиссия томонидан қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичida қўриб чиқишилари ва сайлов комиссиясига жавоб қайташилари шарт.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ тугатилиши мумкин.

Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тутатади.

18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичida юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишилари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичida, сайловга олти кундан кам вақт колганда эса дархол кўриб чиқилиши керак.

4-боб. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш

19-модда. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш

Сайлов кампанияси бошланганлиги аввалги чақириқ Конунчилик палатаси

депутатларининг ваколат муддати тугашидан камидан уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

20-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-кувватловчи камидан эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунаради имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақаларида имзолар соҳталашиборилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияниң сайловда қатнашиш ҳуқукини рад этади.

21-модда. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган хужжатлар

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камидан етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига куйидаги хужжатларни тақдим этиши керак:

партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан олти ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

имзо варақалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган хужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига хужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган хужжатлар асосида беш кунлик муддат ичидаги сиёсий партияниң сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қиласи. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибида қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

22-модда. Депутатликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатиш

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка бир юз йигирма нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс факат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар.

Сиёсий партиялар факат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

23-модда. Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш

Сайлаш хукуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гурухи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гурухини тузиши мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили гурухни рўйхатга олиши илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қўйидагилар илова қилинади:

сайловчилар ташаббускор гурухи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат;

сайловчилар ташаббускор гурухи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қофози;

сайловчилар ташаббускор гурухи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичida, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кун ичida сайловчилар ташаббускор гурухини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласди.

Сайловчилар ташаббускор гурухи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин гурухнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилади.

Сайловчилар ташаббускор гурухини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Сайловчилар ташаббускор гурухи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-куватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳакли. Бу санага қадар тўпланган имзолар хисобга олинмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гурухи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи микдорида номзодни қўллаб-куватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар микдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Имзо варакалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варакасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-куватлаб, бир марта гина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варакасини сайловчилар ташаббускор гурухининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвикот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичидаги, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Конунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кунлик муддат ичидаги тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

24-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар

Сиёсий партияниң раҳбари, сайловчилар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага куйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг, сайловчилар ташаббускор гурухи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг, сайловчилар ташаббускор гурухи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

депутатликка номзоднинг, башарти У Конунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажарив турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичидаги текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Конун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хуносада беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Конун талабларидан четга чиқиш холлари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига ва сайловчилар ташаббускор гурухларининг ваколатли вакилларига белгиланган тартибда маълум қилади.

25-модда. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар

Куйидагилар:

содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

26-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гурухларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун хужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

Ушбу Конунга мувофик депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида тегишли округ сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки сайловчилар ташаббускор гурухини кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қиласи.

5-боб. Сайловолди ташвиқоти. Депутатликка номзодлар фаолиятининг кафолатлари

27-модда. Сайловолди ташвиқоти

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гурухларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг хуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йифилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йифилишлар ўтказиш учун жихозланган бинолар ажратишлиари, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлиари шарт. Йифилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга барвакт хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш хуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига карши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллӣ, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий хуқуклари ва эркинликларини камситувчи хатти-хараткларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан кўшиб олиб борилиши тақиқланади. Сайлов куни ташвиқот юритишига йўл қўйилмайди.

28-модда. Ишончли вакиллар

Депутатликка номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан

ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қиласди. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

29-модда. Депутатликка номзодларни сайловолди тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш

Депутатликка номзод килиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар хисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш хукуқига эга.

30-модда. Депутатликка номзоднинг транспортда текинга юриш хукуқи

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташкари) текинга юриш хукуқига эга. Сайлов округидан ташкарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан яшаш жойига қайтишда ана шундай хукуқдан фойдаланади.

31-модда. Депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Депутатликка номзодликдан воз кечиш

Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун колганда бекор қилиш хукуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қиласди.

6-боб. Сайловчиларнинг рўйхатлари. Сайлов бюллетени

32-модда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилашётган вақтда мазкур сайлов участкаси худудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи факат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар хамда участка сайлов комиссияларига тегишли худудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилади.

33-модда. Ғуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Ғуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

34-модда. Сайловчилар рўйхатлари хусусида баҳслашув

Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичидаги бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-харакати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

35-модда. Сайлов бюллетени

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гурухи кўрсатилади.

Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

36-модда. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олингандигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишида хисобга олинмайди.

7-боб. Овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш

37-модда. Овоз бериш биноси

Овоз бериш маҳсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган килиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа хеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жихозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

38-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор киласи. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон килиши мумкин.

39-модда. Овоз беришнинг бошланиши

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигига сайлов кутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида таксимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қиласи. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

40-модда. Сайловчининг шахсини аниқлаш

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзо-

сига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи хужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

41-модда. Овоз бериш тартиби

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хошишига кўра, сайлов комиссияси таркибиға кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳакли.

Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варакасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варакасини конвертга солиб, уни ёпик ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варакасини олганлиги хақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варакасининг шакли, сайлов варакаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

42-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигига сайлов варакалари солинган ёпик конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш қатъиян тақиқланади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир депутатликка номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва варакаларига асосан участка сайлов комиссияси:

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;
ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;
ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варакалари сонини аниқлайди.

Сайловчилар томонидан сайлов бюллетенлари ва варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенинг, варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада акс эттирилади. Баённома сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

43-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Сайлов округлари бўйича сайлов натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этилган баённомалари асосида аниқланади. Округ сайлов комиссияси:

- округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;
- сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;
- овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;
- хар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;
- ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва баённомада акс эттирилади. Баённома сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

44-модда. Конунчилик палатасига депутатлар сайловининг натижаларини аниқлаш

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида:

- Ўзбекистон Республикаси бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;
- сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;
- овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;
- хар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;
- ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган деб ҳисобланади.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишига доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Айрим сайлов участкаларида сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижаларисиз ҳам умуман сайлов ҳақиқий деб топилиши мумкин эканлиги инобатга олинган холда бу натижалар Марказий сай-

лов комиссиясининг қарорига биноан сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича баённома тузади ва қарор қабул қиласди.

45-модда. Такрорий овоз бериш

Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қиласди ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади. Такрорий овоз бериш ушбу Конуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга карши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб хисобланади.

46-модда. Конунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови

Конунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

- а) агар сайлов округида сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;
- б) агар такрорий овоз бериш Конунчилик палатасига депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаган бўлса;
- в) агар сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Конунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Конунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Конунда белгиланган тартибда ўтказилади.

47-модда. Бўшаб қолган ўринларга Конунчилик палатаси депутатларининг сайловини ўтказиш

Марказий сайлов комиссияси айrim депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Конуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тугалланади.

Конунчилик палатаси ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Конунчилик палатаси депутатининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

8-боб. Депутатларни рўйхатга олиш ва сайлов якунларини эълон қилиш

48-модда. Конунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида Конунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор этади.

Конунчилик палатаси депутати этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясига Конунчилик палатаси депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида ёзма равишида маълум қилиши шарт.

49-модда. Конунчилик палатаси депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиш

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва Конунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхатини депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қиласди.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби

50-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юкори палата) (бундан бўён матнда Сенат деб юритилади) худудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенатнинг ваколат муддати — беш йил.

51-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларига мувофиқ ўтказилади.

52-модда. Сенатга сайлов ўтказиш муддатлари

Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, махаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

53-модда. Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин.

54-модда. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисинг ваколатлилиги

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли хисобланади.

55-модда. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, овоз беришни ўтказиш

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, шунингдек овоз беришни ўтказиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

56-модда. Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда ҳозир бўлган депутатларининг эллик фоизидан ортифи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

57-модда. Такрорий овоз бериш

Агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган номзодлар бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ана шу қўшма мажлисинг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади.

58-модда. Сенат аъзолари сайловининг якунлари

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, бу баённомалар келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзоларини рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида, овозларни санаб чиқиша, яширин овоз бериш натижаларини аниқлашда ушбу Қонун талаблари сайлов натижаларига таъсир қилган тарзда бузилишига йўл қўйилган бўлса, Марказий сайлов комиссияси Сенат аъзоларининг сайловини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

59-модда. Сенат аъзолари сайловининг якунлари устидан шикоят бериш

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларининг сайлови тўғрисидаги қарорлари устидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.

60-модда. Сенат аъзоларининг такрорий сайлови

Сенат аъзоларининг такрорий сайлови кўйидаги холларда ўтказилади:

а) агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

б) агар такрорий овоз бериш натижасида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган холларда такрорий сайлов сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун ўтказилади.

Сенат аъзоларининг такрорий сайлови Сенатга ўтказилган асосий сайловдан кейин кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичida ўтказилади.

Сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва такрорий сайлов ўтказиш ушбу Конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

61-модда. Бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларининг сайловини ўтказиш

Бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларининг сайлови Коракалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шахарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида ушбу Конун талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Сенат ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Сенат аъзосининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга Сенатнинг янги аъзоси сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

62-модда. Сенатни шакллантириш якунларини эълон қилиш

Марказий сайлов комиссияси Сенатни шакллантириш якунлари тўғрисидаги ахборотни ва Сенат аъзоларининг рўйхатини уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қиласди.

III. Якунловчи қоидалар

63-модда. Конунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони

Конунчилик палатаси депутатига ва Сенат аъзосига тегишинча Конунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Конунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони намуналари қонун хужжатлари билан белгиланади.

64-модда. Сайловнинг молиявий таъминоти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлик харажатлар давлат маблағлари хисобидан амалга оширилади. Конунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа

маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-куватлаш тақиқланади.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов үтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий ра-вишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вактида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

65-модда. Ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлаш ва сайла-ниш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўра-вонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чик-кан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилиши-га йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиё-сий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гурухларининг аъзолари қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ёки Сенат аъзолигига номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

164 Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қиласи:

1. Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғри-сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2004 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўзининг сайловга оид идоравий ҳужжатларини янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаш-тирсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
519-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

165 «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида**»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсан:

1) 2-модданинг:

биринчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш хукуқига эгадирлар. Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш хукуқига эгадирлар»;

учинчи қисми чиқариб ташлансан;

2) 3-модданинг иккинчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, иркий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов хукуқига эгадирлар»;

3) 6-модданинг:

тўртинчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқиша депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гурухларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва харакатлардан кузатувчилар қатнашиш хукуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли хужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак»;

еттинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги «юқори комиссияга» деган сўзлар «юқори сайлов комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

сақкизинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «овоз бериш кабинасида» деган сўзлар «яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

тўртинчи хатбошисидаги «бюллетенга» деган сўз «сайлов бюллетенига» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

4) 7-модда:

биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидағи «60» ва «30» ракамлари тегишинча «олтмиш» ва «ўттиз» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

бешинчи қисмидаги «сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн беш кун ичида» деган сўзлар «сайловдан камида етмиш беш кун олдин» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

5) 8-модданинг:

учинчи қисмидаги «ҳокимларининг» деган сўз «ҳокимликларининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «сайлов тайинланганидан кейин ўттиз кундан кечикмай» деган сўзлар «сайловдан камида олтмиш кун олдин» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар» деган сўзлар «камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **10-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгашни томонидан сайловга камида саксон кун қолганида комиссиянинг раиси ва олти — ўн тўрт нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади ҳамда ўз ваколатларини тегишли халқ депутатлари Кенгашларига сайлов юзасидан навбатдаги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунга қадар амалга оширади»;

7) **11-модданинг:**

5-бандидаги «ҳокимиятнинг вакиллик органларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10-банди «жамоат бирлашмалари вакилларининг» деган сўзлардан кейин «ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг» деган сўзлар билан тўлдирисин;

8) **12-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Округ сайлов комиссияси тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти — саккиз нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади»;

9) **13-модданинг 7-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади»;

10) **14-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Участка сайлов комиссияси туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида кирқ кун қолганида беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади»;

11) **17-модданинг бешинчи қисмидаги** «бепул бериб турадилар» деган сўзлар «бепул бериб туришлари шарт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **18-модданинг матнидаги** «ҳокимиятнинг вакиллик органлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **IV бобнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«IV. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш»;

14) **19-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сай-

лов кампанияси бошланганлиги депутатларнинг ваколат муддати тугашидан камидан уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади»;

15) 20-модданинг:

биринчи қисмидаги «халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «сайлов тайинланган кундан» деган сўзлар «сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 21-модда:

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «сайлов тайинланганидан кейин йигирма кун ичада» деган сўзлар «сайловга камиде етмиш кун қолганида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «сайлов тайинланган кундан» деган сўзлар «сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Мазкур хужжатлар» деган сўзлар «Ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган хужжатлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 22-модда куидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-модда. Депутатликка сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан номзодлар кўрсатиш

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга кирк беш кун қолганида тугалланади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан кўрсатилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакиллари йиғилишларида) кўрсатилади.

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли худудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Агар тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида фуқароларнинг икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг йиғилишларида кўрсатилади. Йиғилишда иштирок этадиган вакиллар нормасини тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайди.

Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилади. Бир шахс тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзлари белгилайдilar.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан катъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатилганлиги тўғрисида баённома тузилади»;

18) **22¹-модданинг:**

русча матни биринчи қисмидаги «соответствующего округа» деган сўзлар «соответствующего избирательного округа» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми биринчи хатбошисидаги «вакили» деган сўз «ваколатли вакили» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

русча матни иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «год» деган сўз «дата» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «ваколатли вакилга» деган сўзлар «унинг ваколатли вакилига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бу санага қадар тўплланган имзолар хисобга олинмайди»;

ўн иккинчи қисмидаги «икки кунлик муддат» деган сўзлар «уч кунлик муддат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **22²-модданинг:**

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия тегишли органининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қўйидагилар илова килинади:

сиёсий партия тегишли органининг, фуқаролар йиғинининг (вакиллари йиғилишининг), сайловчилар ташаббускор гурухи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия тегишли органи мажлисининг, фуқаролар йиғини (вакиллари йиғилиши), сайловчилар ташаббускор гурухи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

ушбу Конун 23-моддасининг иккинчи қисмida кўрсатиб ўтилган шахсларнинг, башарти улар депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшааш тўғрисидаги аризалари»;

тўртинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган хужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Конун талабларидан четга чиқиши ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарларига ва сайловчилар ташаббускор гурухларининг ваколатли вакилларига белгилangan тартибда маълум қиласи»;

20) **23-модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшамаган шахслар»;

21) **24-модданинг:**

биринчи қисмидаги «халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидан» деган сўзлар чиқарив ташлансан;

тўртинчи қисмидаги «номзод этиб кўрсатган органнинг номини қайд этган ҳолда» деган сўзлар «номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ёхуд сайловчилар ташаббускор гурухини кўрсатган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 25-модданинг:

иккинчи қисми кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гурухларга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг хукуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Мажаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратишлари, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт»;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмидаги «республиканинг» деган сўз «давлатнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

23) Конун кўйидаги мазмундаги **26¹-модда** билан тўлдирилсин:

«26¹-модда. Депутатликка номзодларни сайловолди тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш

Депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшилтиришларида қатнашиш вактида, ўртача ойлик иш хақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар хисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш хукукига эга»;

24) 28-модданинг биринчи қисмидаги «халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

25) 29-модданинг:

биринчи қисмидаги «18» рақами «ўн саккиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

сақкизинчи қисмидаги «манзили» деган сўз «яшаш жойи манзили» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 31-модданинг биринчи қисмидаги «йигирма тўрт» деган сўзлар «24» рақами билан алмаштирилсин;

27) 32-модданинг биринчи қисмидаги «органинг номи» деган сўзлар «сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд сайловчилар ташаббускор гурухи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) 38-модданинг:

иккинчи қисми кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини ўчиради»;

учинчи қисмидаги «бюллетенни» деган сўз «сайлов бюллетенини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) 39-модданинг:

иккинчи қисмидаги «тақиқланади» деган сўз «қатъян тақиқланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми биринчи хатбошисидаги «комиссия» деган сўз «участка сайлов комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «бюллетенларга ва сайлов» деган сўзлар «сайлов бюллетенлари ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмининг биринчи жумласи кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варакалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси колдирилган сайлов бюллетенлари ва варакалари хақиқий эмас деб топилади»;

сақкизинчи қисмидаги «раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари» деган сўзлар «сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) **40-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов округлари бўйича сайлов натижалари факат участка сайлов комиссияларининг тақдим этилган баённомалари асосида аниқланади. Округ сайлов комиссияси:»;

31) **41-модданинг:**

учинчи қисмидаги «ярмидан ками» деган сўзлар «ўттиз уч фоизидан ками» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

русча матни бешинчи қисмидаги «по отдельным участкам» деган сўзлар «по отдельным избирательным участкам» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32) **48-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми «сиёсий партиялари» деган сўзлардан кейин «ва бошқа» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

33) **49-моддадаги** «Сайловчиларнинг» деган сўз «Фуқароларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

34) Конуннинг русча матни номидаги, 1-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 4, 5-моддаларидаги, 6-моддасининг биринчи қисмидаги, 7-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, иккинчи, учинчи ва олтинчи қисмларидаги, 9-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 11-моддасининг 2, 3, 6, 9, 11, 12-бандларидаги, 16-моддасининг биринчи, иккинчи ва олтинчи қисмларидаги, 20-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 221-моддасининг биринчи қисмидаги, 26-моддасининг биринчи қисмидаги, 27-моддасидаги, 39-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 44-моддасидаги, 45-моддасининг иккинчи қисмидаги, 46, 47-моддаларидаги, 48-моддасининг биринчи қисмидаги, 49-моддасининг номидаги «Советы», «Советов», «Совет», «Совета», «Советом» деган сўзлар тегишинча «Кенгаши», «Кенгашей», «Кенгаш», «Кенгаша», «Кенгашем» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
520-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

166 «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конуни 2004 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
521-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

167 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Конунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг (бундан буён матнда Конунчилик палатаси деб юритилади) фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Конунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонуларга, шунингдек Конунчилик палатаси томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан карорлар қабул қилиш учун асос бўладиган ушбу Конунга мувофиқ ташкил этилади.

Конунчилик палатасининг янги сайланган таркиби ушбу Конунга белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиши мумкин бўлиб, улар тузатишлар шаклида расмийлаштирилади.

2-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари

Қонунчилик палатасининг фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланади.

3-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли унинг Қонунчилик палатаси сессиялари даврида, қоида тариқасида, ҳафтасига уч марта ўтказиладиган мажлисларидир.

Қонунчилик палатасининг мажлислари, агар уларнинг ишида палата депутатлари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий конунуларни қабул қилишда, уларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ўтказилади. Мазкур мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Қонунчилик палатаси Спикери сайлангунга қадар унда раислик қиласди.

Қонунчилик палатаси биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун мажлиснинг мувакқат котибияти ва саноқ комиссияси сайланади.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади, шу жумладан, қоида тариқасида:

электрон тизимдан фойдаланиш устидан мувакқат назорат гурухи сайланади;

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланади;
сиёсий партиялар фракциялари (бундан бўён матнда фракциялар деб юритилади) ва депутатлар гурухлари рўйхатга олинади;

Қонунчилик палатасининг қўмиталари тузилади.

Қонунчилик палатасининг навбатдан ташқари мажлислари унинг сессиялари оралиғида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери таклифига ёки Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг мажлислари очик, ошкора ўтказилади ва оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилади. Қонунчилик палатасининг қарорига биноан ёпик мажлислар ўтказилиши ҳам мумкин.

Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан бўён матнда Сенат деб юритилади), қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида мажлис ўтказади.

Қонунда белгиланган ҳолларда палаталарнинг қўшма мажлислари ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қонунчилик палатаси Спикерининг, Сенат Раисининг таклифига ёки тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ёхуд сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

4-модда. Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини сайлашдан бошланади.

Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи билан ўн беш кишидан иборат Оқсоқоллар кенгаши тузилади, мазкур кенгаш ваколатлари Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайлангач тугайди.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси киритади.

Оқсоқоллар кенгаши таркибига: Марказий сайлов комиссиясининг Раиси; депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган, ёши энг улуғ депутатлар; номзодлари Қонунчилик палатасига сайланган сиёсий партиялар депутатларининг вакиллари; Қонунчилик палатасига сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатларнинг вакиллари киритилади.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Оқсоқоллар кенгаши Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодларни, қоида тариқасида, энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Қонунчилик палатаси Спикери этиб сайланган хисобланади.

Оқсоқоллар кенгаши томонидан Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари лавозимига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш Қонунчилик палатаси Спикерини сайлаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони Оқсоқоллар кенгашининг тавсияси бўйича Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

5-модда. Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш

Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмидан иборат Қонунчилик палатаси депутатлари гурухининг таклифига биноан палата томонидан кўриб чиқилади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси Спикери томонидан ҳам киритилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

6-модда. Конунчилик палатаси Кенгаши

Конунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқиши ташкил этиш мақсадида Конунчилик палатаси Кенгаши тузилади.

Конунчилик палатаси Кенгашининг таркибиға Конунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гурухларининг раҳбарлари, Конунчилик палатаси қўмиталарининг раислари киради.

Конунчилик палатаси Кенгашига Конунчилик палатаси Спикери раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

7-модда. Конунчилик палатасининг қўмиталарини тузиш

Конунчилик палатаси томонидан унинг депутатлари орасидан палатанинг ваколатлари муддатига раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар тузилади.

Конунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари Конунчилик палатаси қўмиталарининг таркибиға сайланиши мумкин эмас.

Конунчилик палатасида регламент; бюджет, банк ва молия масалалари; иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари; меҳнат ва ижтимоий масалалар; мудофаа ва хавфсизлик масалалари; халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари тузилиши шарт. Конунчилик палатасида бошқа қўмиталар хам тузилиши мумкин.

Конунчилик палатаси қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, ўнтадан ошмаслиги керак.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гурухга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарори билан белгиланади. Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимларига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифларни депутатлар бирлашмаларининг раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда киритадилар.

Конунчилик палатаси қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари палата мажлисида Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайдланади.

Конунчилик палатаси қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайдлангани тўғрисида Конунчилик палатаси қарорлар қабул қилади.

8-модда. Конунчилик палатасининг комиссияларини тузиш

Конунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузishi мумкин.

Комиссия Конунчилик палатаси мажлисида Конунчилик палатасининг депутатлари орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади.

Комиссия тузилгани тўғрисида Конунчилик палатаси қарор қабул қилади.

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтганидан кейин ёки Конунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари ўз фаолиятини тугатади.

9-модда. Фракциялар ва депутатлар гурухлари

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия ман-

фаатларини Конунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Депутатлар гурухларини Конунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиялардан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақлидир.

Конунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гурухини тузиш хукуқига эга.

Конунчилик палатасининг депутати факат бир фракция ёки депутатлар гурухининг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Конунчилик палатасига сайланган депутат факат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гурухига кирмасликка ҳақли.

Конунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринbosарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб турадилар ва фракция ёки депутатлар гурухи таркибида киришлари мумкин эмас.

Фракция ёки депутатлар гурухини тузиш учун:

фракция ёки депутатлар гурухининг таъсис йиғилишини ўтказиш;

фракция ёки депутатлар гурухини тузиш тўғрисида таъсис баённомасини қабул қилиш;

фракция ёки депутатлар гурухининг раҳбарини сайлаш зарур бўлади.

Фракция ёки депутатлар гурухининг раҳбари фракция ёки депутатлар гурухини тузиш тўғрисидаги таъсис баённомасини Конунчилик палатасига тақдим этади ва тегишинча фракция ёки депутатлар гурухи тузилгани ҳақида Конунчилик палатасига ахборот беради, бу Конунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Фракциялар ва депутатлар гурухлари хисобга олиш рўйхатидан ўтказилади.

Депутатлар бирлашмалари фаолиятининг ташкилий шакли уларнинг мажлисларидир.

Фракциялар ва депутатлар гурухлари ишини мувофиқлаштириб бориш, Конунчилик палатаси мажлисига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, фракциялар ва депутатлар гурухлари нуқтаи назарини келишиб олиш мақсадида депутатлар бирлашмалари раҳбарларининг кўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

Депутатлар бирлашмалари ўzlари қабул қилган қарорлар, шунингдек депутатлар бирлашмалари раҳбарларининг кўшма мажлисларида қабул қилинган қарорлар ҳақида Конунчилик палатаси Спикерига ва унинг Кенгашига ахборот берадилар.

Фракция ва депутатлар гурухи фаолияти қўйидаги холларда тугатилади:

фракция ёки депутатлар гурухининг ўз ташаббусига биноан;

Конунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугаганда;

фракция ёки депутатлар гурухи таркибида киривчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда;

тегишли сиёсий партия фаолияти тугаганда (тугатилганда).

Конунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугашидан олдин фракциялар ёки депутатлар гурухлари фаолиятининг тугатилиши Конунчилик палатасининг қарори билан расмийлаштирилади.

II. Конунчилик палатаси мажлисида масалаларни кўриб чиқиш тартиби

10-модда. Конунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби

Конунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар

уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишига тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тузилади.

Қонунчилик палатасининг депутатлари Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида олдиндан хабардор қилинадилар.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади.

11-модда. Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш шаклла- ри ва усуllibari

Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очик ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очик овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг элекtron тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг элекtron тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумла-сидан бўлган гурух амалга оширади.

Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда консти-туциявий қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунчилик палатасининг депутати ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

III. Қонунларни ҳамда қонунчилик палатаси қарорларини кўриб чиқиш тартиби

12-модда. Конун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритиш

Конун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташабbusи ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади.

Конун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда қўйидагилар тақдим этилиши керак:

қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати; ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;

моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иктисодий асослар;

давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан бўён матнда Давлат бюджети деб юритилади) моддалари бўйича ўзгартишларни назарда тутувчи қонун-

ларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хуносаси.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчى ўқишида қабул қилинганига қадар қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси хукуқининг субъекти лойиҳа матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини чакириб олиш хукуқига эга.

13-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиш

Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага (бундан буён матнда масъул қўмита деб юритилади) топширади. Масъул қўмита қонун лойиҳасини кўриб чиқишга қабул қилиш мумкинлиги ёки уни қонунчилик ташаббуси хукуқи субъектига қайтариш зарурлиги тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгашига белгиланган муддатда хулоса тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмитанинг хуносаси асосида қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки у белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, уни қонунчилик ташаббуси хукуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қиласди. Аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун янгидан киритилиши мумкин.

Агар тегишли масала бўйича қонун лойиҳаси палата томонидан биринчى ўқишида қабул қилинган бўлса, айни шу масала бўйича бошқа қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинмайди.

Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинганда Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисida кўриб чиқишга тайёрлаш муддатини белгилайди.

Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли материаллар билан Конунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади.

14-модда. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни Қонунчилик палатасида биринчى ўқишида кўриб чиқишга тайёрлаш масъул қўмита томонидан амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қўмиталарида муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси хукуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади.

Агар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, масъул қўмита қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан иккى ой ичидаги уни:

Қонунчилик палатаси Кенгашининг қонун лойиҳасини биринчى ўқишида кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорининг лойиҳасини;

масъул қўмитанинг мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этиш зарурлиги асосланган ҳолдаги хуносасини илова қилиб, Қонунчилик палатасининг Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчى ўқишида кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

15-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқиш

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишида кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишида кўриб чиқиши чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала мухокама қилинади.

Қонунчилик палатаси мухокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишида кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишида қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Қонунчилик палатаси мухокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вактда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишида қабул қилинган хисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган варианлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган хисобланади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишига тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. Масъул қўмита томонидан асосли деб топилган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишида кўриб чиқиши чоғида масъул қўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам мухокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси мухокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишида кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни иккинчи ўқишида қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Учинчи ўқишида қонун лойиҳаси мухокама қилинмасдан тўлалигича овозга қўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишида қабул қилинган тақдирда, масъул қўмитанинг таклифига биноан қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Қонун 18-моддасининг учинчи қисмидан назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун ўн кун ичидаги Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан биргаликда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган материаллар юборилади.

16-модда. Келишув комиссияси

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасида келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Қонунчилик палатаси Спикеридан, шунингдек фракциялар ва депутатлар гурухларидан чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси конуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш максадида Сенатнинг ҳар бир эътиrozини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз берishi орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган хисобланади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хulosага қабул қиласди. Хulosaga қонунга доир ўзгаришлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хulosaga Қонунчилик палатаси ва Сенатдан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Қонунчилик палатаси ва Сенатга топширилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни қайта кўриб чиқишида келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қонунни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қиласа, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Агар келишув комиссиясининг қонун бўйича ишлари якунларига кўра келишувга эришилмаса, қонун Сенат томонидан рад этилган қонун сифатида қайта кўриб чиқилиши керак.

17-модда. Қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби

Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эътиrozлар билан қайтарилган қонун Қонунчилик палатаси томонидан бир ойлик муддатда қайта кўриб чиқилиши керак.

Масъул қўмита Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун юзасидан хulosaga беради.

Масъул қўмитанинг хulosаси олинганидан кейин қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш масаласи белгиланган тартибда Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилади.

Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган хисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонунни қайта

кўриб чиқишида Конунчилик палатаси томонидан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

конунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;

конунни бундан буён кўриб чиқмаслик;

конунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Агар конун аввалги қабул қилинган таҳририда Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонуннинг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонуннинг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини қабул қилиш учун Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Конунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конун лойиҳасини тегишли таклиф кири tilgандан кейин олти ой ичida унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Агар Конунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конун лойиҳасини қабул қилмаса, уни кўриб чиқиши камида бир йилдан кейин қайта бошланиши мумкин.

19-модда. Конунчилик палатаси қарорларини қабул қилиш тартиби

Конунчилик палатаси қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қарор лойиҳаси Конунчилик палатасига киритилаётганда унга кисқача тушуниширахати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

Конунчилик палатаси Спикери Конунчилик палатаси қарорининг лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмита ва муддат белгилайди.

Конунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмита вакилининг ахборотини эшишиб, қарор лойиҳасини Конунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади ва маърузачини белгилайди.

Конунчилик палатаси мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Конунчилик палатаси қарори қабул қилинади.

Агар овоз бериш якунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур микдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган хисобланади.

Конунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатларига киритилган масала юзасидан қабул қилинган қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичida, агар ушбу Конунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Сенатга юборилади.

IV. Давлат бюджетини қабул қилиш

20-модда. Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш

Навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Конунчилик палатасига киритилади.

Давлат бюджети лойиҳаси масъул қўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджети лойиҳасига доир материаллар Конунчилик палатаси депутатларига олдиндан, мазкур лойиҳа Конунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилгунга қадар юборилади.

Давлат бюджети лойиҳасини Конунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети лойиҳаси бўйича Конунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифлари уч кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн тўрт кун ичida Конунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда Давлат бюджети лойиҳасини маромига етказади ва Давлат бюджетининг маромига етказилган лойиҳасини Конунчилик палатасига юборади.

Давлат бюджетининг лойиҳаси Конунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай кўриб чиқилиши керак.

Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети мазкур бюджет қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичida кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади.

21-модда. Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш

Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала, агар бу ҳол бюджетни тартибга солишда қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлса, Конунчилик палатасининг мажлисида биринчи навбатда кўриб чиқилиши керак.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар уни қабул қилиш учун белгиланган тартибда киритилади.

V. Конунчилик палатаси томонидан мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш)

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Конунчилик палатаси томонидан тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичida кўриб чиқилади.

Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарор мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Конунчилик палатаси тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди, Конунчилик палатасини тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайдаласи юзасидан қарори Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислирида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси-ни тузиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги таклифлар Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайдаласи юзасидан қарор мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичидаги Сенатга юборилади.

VI. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўзининг тасдигига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қиласи.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичидаги Сенатга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш

Қонунчилик палатаси ўзининг кўриб чиқиши учун киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини эса улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала Конунчилик палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Конунчилик палатаси томонидан кўриб чиқлади.

Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дархол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

VII. Конунчилик палатаси томонидан бошқа масалаларни кўриб чиқиши

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиши

Конунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни ва масъул қўмитанинг хуносасини кўриб чиқиб, қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

референдумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида;

референдум ўтказмасдан туриб, референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусда таклиф қилинган конунни ёки бошқа қарорни қабул қилиш ҳақида.

Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг референдуми масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Сенатга, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Агар Конунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида қарор қабул қилса, айни шу мазмун ёки маънодаги таъриф билан референдум ўтказиш тўғрисидаги масала камида бир йилдан кейин Конунчилик палатасига кўриб чиқиш учун такроран киритилиши мумкин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Конунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу шартнома расмий матнининг тасдиқланган нусхаси ва уни ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқлигининг асосларини ўз ичига олган ҳужжатлар билан биргаликда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарор Сенатга юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тұхтатиб туриш тұғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатларининг зарур овозлари сонини тұпламаган бўлса ва шу мажлис жараёнида мазкур қарор лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қайта кўриб чиқиши учун киритиш зарурлиги тұғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тұхтатиб туриш таомилидан ўтмаган ҳисобланади.

29-модда. Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартыриш тұғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг белгиланган тартибда киритилген таклифига биноан туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартыриш тұғрисидаги масалаларни кўриб чиқади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартыриш тұғрисидаги масала рад этилган тақдирда, у Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун камида бир йилдан кейин қайта киритилиши мумкин.

30-модда. Конунчилик палатаси депутатини дахлсизлик хуқуқидан маҳрум этиш тұғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Бөш прокурорининг Қонунчилик палатаси депутатини жиной жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибда бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тұғрисидаги тақдимномалари Қонунчилик палатаси томонидан, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралығидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, кейинчалик Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масала юзасидан қарори Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик хуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тұғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Қонунчилик палатаси депутатини жиной жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибда бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш масаласи юзасидан қарори дархол Ўзбекистон Республикаси Бөш прокурораға юборилади.

VIII. Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилиши

31-модда. Давлат бюджети ижросининг бориши тұғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тұғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, масъул қўмитанинг хulosаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

32-модда. Парламент сўрови

Қонунчилик палатаси, шунингдек Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуктаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга хақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Қонунчилик палатасининг мажлисларида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриширув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга таалуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Қонунчилик палатаси муҳокама якунлари бўйича қарор қабул киласди.

33-модда. Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларнинг амалга оширилиши

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисботдан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуқлари бўйича вакилининг фаолияти тўғрисидаги ҳисботни эшитади.

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисботдан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай, ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботини эшитади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботлари юзасидан қабул қилган қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатасининг мажлисида ҳукумат аъзоларининг фаолияти масалалари юзасидан уларнинг ахборотини эшитиш фракциялар ва депутатлар гурухларининг ташаббусига кўра амалга оширилади ҳамда Қонунчилик палатаси мажлислиринг кун тартибига мувофиқ ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари, шунингдек Қонунчилик палатасининг депутатлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хulosалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари ёки Қонунчилик палатасининг депутатлари талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларни эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.

IX. Якунловчи қоидалар**34-модда. Конунчилик палатасининг халқаро алоқалари**

Конунчилик палатаси бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, расмий парламент делегациялари алмашиниши, шунингдек халқаро алоқаларни мустахкамлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиши мумкин.

Бошқа давлатларнинг парламентлари раҳбарларига, давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларига, парламент делегацияларининг раҳбарларига уларнинг илтимосига биноан Конунчилик палатаси мажлисида сўзга чиқиш имконияти берилиши мумкин.

35-модда. Конунчилик палатаси харажатларининг сметасини тасдиқлаш

Конунчилик палатаси, унинг органлари ва Конунчилик палатаси депутатларининг фаолияти билан боелиқ харажатлар сметаси Конунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
522-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОУНИ

168 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида

I. Умумий қоидалар**1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати фаолиятини ташкил этишининг ҳукуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (бундан бўён матнда Сенат деб юритилади) фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонулларга, шунингдек Сенат томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб қоидалари билан боелиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос бўладиган ушбу Конунга мувофиқ ташкил этилади.

Ушбу Конунга белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин бўлиб, улар тузатишлар шаклида расмийлаштирилади.

2-модда. Сенат фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари

Сенат фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама килишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

Сенат иши вакти-вақти билан ялпи мажлисларга (бундан буён матнда мажлислар деб юритилади) ва Сенат қўмиталарининг (комиссияларининг) мажлисларига чакириладиган сенаторларнинг фаолиятига асосланади.

3-модда. Сенат фаолиятининг ташкилий шакли

Сенат фаолиятининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказиладиган мажлисларидир.

Сенат мажлислари, агар уларнинг ишида сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий конунларни маъқуллаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишида сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт.

Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат шакллантирилганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Мазкур мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Сенатнинг биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун мажлиснинг муваққат хотибияти ва саноқ комиссияси сайланади.

Сенатнинг биринчи мажлисида унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади, шу жумладан, қоида тариқасида:

электрон тизимдан фойдаланиш устидан муваққат назорат гурухи сайланади;

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланади;

Сенатнинг қўмиталари тузилади.

Сенатнинг навбатдан ташқари мажлислари Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Сенатнинг Раиси таклифига ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Сенатнинг мажлислари очик, ошкора ўтказилади ва оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилади. Сенатнинг қарорига биноан ёпик мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Сенат ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади), қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида мажлис ўтказади.

Қонунда белгиланган ҳолларда палаталарнинг қўшма мажлислари ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Сенат Раисининг, Қонунчилик палатаси Спикерининг таклифига ёки тегишинча сенаторлар ёхуд Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

4-модда. Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш

Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат Раисини сайлашдан бошланади.

Сенат Раислигига ва унинг ўринбосарлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан тақдим этилади.

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида сенаторлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Сенат Раиси ёки унинг ўринбосари этиб сайланган ҳисобланади.

Сенаторлар орасидан сайланадиган Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни Сенат мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

5-модда. Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш

Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Сенат Раисининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Сенат Раисини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига ёки сенаторлар умумий сонининг камидаги учдан бир қисмининг таклифига биноан Сенат томонидан кўриб чиқлади.

Сенат Раисини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни Сенат мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

6-модда. Сенат Кенгаши

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, кўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таркиблар тайёrlаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва Сенат кўмиталарининг раислари киради.

Сенат Кенгашига Сенат Раиси раҳбарлик қиласи, у Кенгашининг мажлислари ни олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

7-модда. Сенатнинг қўмиталарини тузиш

Сенат томонидан сенаторлар орасидан палатанинг ваколатлари муддатига раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар тузилади.

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари Сенатнинг қўмиталари таркибига сайланниши мумкин эмас.

Сенатда регламент, бюджет ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари, ташкилий-маъмурӣ масалалар, қонунчилик ва суд-хукуқ масалалари, мудофаа ва хавфсизлик масалалари, ташки сиёsat масалалари қўмиталари тузилиши шарт. Сенатда бошка қўмиталар ҳам тузилиши мумкин.

Сенат қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан ошмаслиги керак.

Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари палата мажлисида Сенат Раисининг тақдимига биноан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Сенат қарорлар қабул қиласи.

8-модда. Сенатнинг комиссияларини тузиш

Сенат муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссия Сенат мажлисида сенаторлар орасидан комиссия раиси ва аъзолари,

зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади.

Комиссия тузилгани тўғрисида Сенат қарор қабул қиласди.

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари ўз фаолиятини тугатади.

II. Сенат мажлисида масалаларни кўриб чиқиш тартиби

9-модда. Сенат мажлисининг кун тартиби

Сенат мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишига тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Сенат мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Сенат Кенгаши томонидан тузилади.

Сенаторлар Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида олдиндан хабардор қилинадилар.

Сенат мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади.

10-модда. Сенат мажлисларида овоз бериш шакллари ва усуллари

Сенатнинг қарорлари унинг мажлисларида очик ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очик овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин.

Сенат мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимиidan фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Сенат мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимиidan фойдаланилиши устидан назоратни сенаторлар жумласидан бўлган гурух амалга оширади.

Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Сенат томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда конституциявий қонуларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Сенатор ўзининг овоз бериш ҳукукини шахсан амалга оширади.

III. Қонунларни ҳамда Сенат қарорларини кўриб чиқиш тартиби

11-модда. Қонуннинг Сенат томонидан кўриб чиқилиши

Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонуни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан холоса тайёрлайдиган қўмитага (бундан бўён матнда масъул қўмита деб юритилади) топширилади.

Масъул қўмитанинг холосасида қонунни маъкуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо бўлиши керак. Қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги холосада масъул қўмитанинг қонунни рад этиш зарур деб ҳисоблашининг важлари баён этилиши лозим. Масъул қўмитанинг холосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади, Кенгаши қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қиласди.

Сенатнинг мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул қўмита холосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Кўриб чиқилаётган қонун юзасидан унинг муҳокамаси тартибида сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади, ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорида рад этиш важлари кўрсатилиши керак. Унда бир вактнинг ўзида қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифлар баён этилиши мумкин.

Сенатнинг қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Қонунчилик палатасига юборилади.

12-модда. Келишув комиссияси

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Сенатда келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камидаги бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Сенат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтиказилади.

Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгashi томонидан тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибида кирган сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган хисобланади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хуроса қабул қиласди. Хуросага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хуроса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган холда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

13-модда. Қонунни Сенат томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун қайта кўриб чиқиш учун бевосита Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтаришган ва Конунчилик палатаси қайта кўриб чиқишидаги илгари қабул қилинган таҳрирда маъқуллаган қонун белгиланган тартибда Сенатга юборилади.

Масъул қўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтаришган ва Конунчилик палатаси илгари қабул қилинган таҳрирда маъқуллаган қонун юзасидан хулоса беради.

Масъул қўмитанинг хулоаси олинганидан кейин конунни Сенат томонидан қайта кўриб чиқишидаги масала белгиланган тартибда Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилади. Сенат қайта кўриб чиқиши натижалари бўйича конунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Сенат томонидан қайта кўриб чиқишидаги масала белгиланган тартибда Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилади. Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қайта кўриб чиқиши натижалари бўйича конунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Конунчилик палатасига юборилади.

Агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтаришган қонун Конунчилик палатасида қайта кўриб чиқилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътиrozларини хисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу Конунни Сенат янгидан қабул қилинган қонун сифатида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни кўриб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

15-модда. Сенат қарорларини қабул қилиш тартиби

Сенат қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

Қарор лойиҳаси Сенатга киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

Сенат Раиси Сенат қарорининг лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиши учун масъул қўмита ва муддат белгилайди.

Сенат Кенгashi масъул қўмита вакилининг ахборотини эшитиб, қарор лойиҳасини Сенат мажлисининг кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва маърузачини белгилайди.

Сенат мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат қарори қабул қилинади.

Агар овоз бериш якунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур микдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган хисобланади.

Сенатнинг Конунчилик палатаси билан биргаликдаги ваколатларига киритилган масала юзасидан қабул қилинган қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан

эътиборан беш кун ичида, агар ушбу Конунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Конунчилик палатасига юборилади.

IV. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини қабул қилиш

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш

Навбатдаги молия йили учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Сенатга юборилади.

Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети Сенатнинг кўриб чиқиши учун топширилади ва масъул қўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиласди.

Давлат бюджетига доир материаллар сенаторларга олдиндан, Сенат мажлисида кўриб чиқилгунга қадар юборилади.

Давлат бюджетини Сенатнинг мажлисида мухокама қилиш Ўзбекистон Республикаси молия вазири ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маъruzаси билан бошланади.

Давлат бюджети бўйича қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилиниши керак.

17-модда. Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш

Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилиши керак.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар мазкур бюджетни қабул қилиш учун белгиланган тартибда киритилади.

V. Сенат томонидан мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш)

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқиласди.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенат тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч мартарад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди, Сенатни тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуқлари бўйича вакилини сайлаш

Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ин-

сон хукуқлари бўйича вакилини сایлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакилини сایлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакилини сایлаш масаласи юзасидан қарори Конунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислирида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ни тузиш

Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сایлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сایлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Конунчилик палатасига юборилади.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судини сایлаш

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига сایлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сایлаш тўғрисидаги масалани ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тақдим этилган номзодлар овоз бериш пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар кайта рад этилса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенат кўриб чиқиши учун бошқа номзодлар тақдим этилади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси,

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари лавозимларига тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Сенатга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги масалани Сенат ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ёки уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларига тайинлаш учун тақдим этилган номзодлар овоз бериш пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар қайта рад этилса Сенат кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бошқа номзодлар тақдим этилади.

VI. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш

23-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўз тасдигига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қиласи.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Конунчилик палатасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш

Сенат ўз тасдигига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини эса улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала Сенат қўмиталарида дастлабки тарзда мухокама қилинмасдан Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дархол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масалалар Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

VII. Сенат томонидан бошқа масалаларни кўриб чиқиш

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш

Сенат Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни, Қонунчилик палатасининг референдум ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш тўғрисидаги қарорини, шунингдек мазкур масала бўйича масъул қўмитанинг хуносасини кўриб чиқиб, қуидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;
референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикасининг референдуми масаласи юзасидан қарор мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Қонунчилик палатасига, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур масала юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатасининг қарорлари ушбу масала юзасидан Сенат қарор қабул қилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масаланинг Сенатда кўриб чиқилиши Қонунчилик палатасининг тегишли қарори Сенатга киритилганидан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масаланинг Сенатда кўриб чиқилиши Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат маъқуллаган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

28-модда. Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатаси ижобий қарор қабул қилганидан ва Сенатга тегишли материаллар келиб тушганидан кейин Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат маъқуллаган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

29-модда. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш

Сенат амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади.

Амнистия тўғрисидаги ҳужжат мазкур ҳужжат қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичida эълон қилиниши керак.

30-модда. Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг сенаторни жиной жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоқقا олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини кўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномалари Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг сенаторни жиной жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоқقا олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини кўллашга розилик бериш масаласи юзасидан қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

VIII. Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилиши

31-модда. Парламент сўрови

Сенат, шунингдек сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асос-

лантирилган тушунтириш бериш ёки нұқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Сенат мажлислирида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суршитирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга таалуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Сенат муҳокама якунлари бўйича қарор қабул қиласди.

32-модда. Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларнинг амалга оширилиши

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти тўғрисидаги хисоботни эшитади.

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хисоботини мазкур масала юзасидан Конунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшитади ва муҳокама қиласди.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хисоботлари юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Конунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда Сенатга тақдим этган ҳар йилги хисоботлари Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг қўмиталари, шунингдек сенаторлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан хужжатлар, эксперт хulosалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Сенатнинг қўмиталари ёки сенаторлар талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Сенат қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.

IX. Якунловчи қоидалар

33-модда. Сенатнинг халқаро алоқалари

Сенат бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, расмий парламент делегациялари алмашиниши, шунингдек халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиши мумкин.

Бошқа давлатларнинг парламентлари раҳбарларига, давлатлар ва ҳукumatлар бошлиқларига, парламент делегациялари раҳбарларига уларнинг илтимосига биноан Сенат мажлисида сўзга чиқиш имконияти берилиши мумкин.

34-модда. Сенат харажатларининг сметасини тасдиқлаш

Сенат, унинг органлари ва сенаторларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметаси Сенат Раиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
523-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

169 «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 202-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (илова қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
524-II-сон

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида
(янги таҳрири)**

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси — Ҳукумати Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан бўён матнда Вазирлар

Маҳкамаси деб юритилади) давлат бошқаруви органлари тизимиға ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимиға бошчилик қиласи, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

2-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Вазирлар Маҳкамасининг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси нинг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини хисобга олиш принципларига асосланади.

II. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш, унинг асосий ваколатлари

4-модда. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади), унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари кирадилар. Қорақалпогистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир номзодини кўриб чиқиши ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этиди ҳамда уни вазифасидан озод қиласи. Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди ва вазифасидан озод қиласи.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қиласи.

5-модда. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш соҳасидаги асосий ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

иқтисодий, ижтимоий-маданий жаёёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини ишга солиш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;

хўжалик юритишнинг янги шакллари — концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, шунингдек Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишга, ижтимоий ва хуқуқий ҳимояланишга бўлган хуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

соғлиқни саклаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат чегаралари кўриқланишини таъминлаш, давлат манбаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини саклаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади;

давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий оғатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, хукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техниковий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликнинг амалга оширади.

6-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларига раҳбарлик қилишнинг умумий масалалари

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштириб ҳамда йўналтириб боради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари хақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети хисобидан таъминланадиган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий девони ходимлари сонини ва улар таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилайди.

Вазирларнинг ўринбосарлари, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарларини ҳамда уларнинг бошқарувларининг аъзоларини, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳайъатларининг аъзоларини тасдиқлайди.

Вазирлар Маҳкамаси зарурат бўлганда ўз ваколатига кирувчи давлат бошқару-

вининг айрим масалаларини ҳал этишни, агар бу масалаларнинг ҳал этилиши қонун хужжатларида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мутлақ ваколатларига киритилган бўлмаса, вазирликлар, давлат қўмиталари ва ўз бўйсунувидаги давлат бошқаруви бошқа органларига бериши мумкин.

7-модда. Вазирлар Маҳкамасининг вазирликлар, давлат қўмиталири, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини назорат қилиши

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг хужжатлари амалдаги қонун хужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш хуқуқига эга.

III. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, бошқа органлар ва ташкилотлар билан муносабатлари

8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан муносабатлари

Янги шакллантирилган Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун ўз ваколатлари давридаги фаолияти дастурини тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий ўйналишларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унга киритиладиган ўзгартишларни ишлаб чиқади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси муайян аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшлишилари ҳамда зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари мажлисларида, палаталарнинг қўмиталари мажлисларида ҳозир бўлиш ва ахборот беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг муайян аъзолари фаолиятига тааллукли масалалар кўйилган тақдирда, Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунишилар олиш ва тушунишилар беришга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли қўмиталарига келишилган муддатда маълум қиласди.

9-модда. Парламент сўровига жавоб

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидан, Қо-

нунчилик палатаси депутатидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатидан, Сенат аъзосидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ёки унга бўйсувчи давлат ёхуд хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятига доир парламент сўрови олган Вазирлар Маҳкамаси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоси қонун билан белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палаталарининг мажлисларида оғзаки ёки ёзма жавоб бериши шарт.

10-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳамда Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш масалаларига доир бошқа ҳужжатлар қандай бажарилаетганлиги ҳақидаги маълумотларини эшитади;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чикади;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари томонидан тармоқлараро ва минтақавий ўта муҳим комплекс дастурларни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди, бунда чиқиб қоладиган баҳсли масалаларни ҳал этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини ўз ваколати доирасида тўхтатиб кўйиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожлантиришга, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга таалуқли масалалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий ваколатхонаси бўлади.

11-модда. Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

худудларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантирилишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилиши талаб қилинадиган масалаларга доир таклифларини кўриб чикади, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг бажарилиш жараёнини назорат қиласи, уларнинг амалга оширилиши юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф қилиш ҳамда уларнинг ахборотларини эшишишга ҳақли;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди, бунда чиқиб қоладиган баҳсли масалаларни ҳал этади;

худудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият девонининг сони ва намунавий тузилмасини белгилайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг конун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб қўйиш ҳамда уларни бекор қилишга ҳақли.

12-модда. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласидан конун ҳужжатларига мувофиқ уларга зарур кўмак кўрсатади.

IV. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш ва унинг тартиби

13-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари

Давлат бошқарувининг, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг хар чорагида камида бир марта ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Бош вазир ўтказади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти билан белгиланади.

14-модда. Фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳал этиладиган масалалар

Қўйидагилар факат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидаги аниқ мақсадли давлат фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари лойихалари;

давлат қимматли қофозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташки карзи кўламини ошириш тўғрисидаги таклифлар;

солиқлар ва бошка мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойихалари ҳамда хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;

белгилаб қўйилган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;

конунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Конунчилик палатасига киритиладиган конунлар лойихалари;

давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

15-модда. Бош вазир

Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради.

Бош вазир:

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган холда Бош вазирнинг ўринbosарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислирида раислик қилади;

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан ҳалқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради ҳамда хукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

давлат ва хўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқарди.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишида ахборот бериб боради.

Бош вазир ўйқулигида унинг вазифасини Бош вазир ўринbosарларидан бири бажаради.

16-модда. Бош вазирнинг ўринbosарлари

Бош вазирнинг ўринbosарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ ўzlари раҳбарлик қилаётган тармоқдаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, уларнинг ишини назорат қилишни амалга оширадилар ҳамда уларга топшириқлар берадилар, Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритилган таклифларни ҳамда қарор ва фармойишларнинг лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадилар.

17-модда. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари:

ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислирида масалаларни кўриб чиқиша иштирок этадилар;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиша ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг лойиҳаларини тайёрлаш ташаббуси билан чиқишлиари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳак тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

18-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати

Бош вазир ва унинг ўринbosарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида фаолият кўрсатади. Бош вазирнинг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

19-модда. Вазирлар Маҳкамасининг доимий, мувакқат комиссияла-ри ва бошқа ишчи органлари

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

Давлат ва хўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг мувакқат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари тузилиши мумкин.

20-модда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қиласи.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

21-модда. Вазирлар Маҳкамасининг девони

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлислирага тайёргарлик кўриш, тешвили қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг девони фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг девони ва унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг девони асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

170 Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенатини шакллантириш якунларига биноан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
525-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

171 «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени таъсис этилсин.
2. «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова килинади).
3. «**Фидокорона хизматлари учун**» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова килинади).
4. 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда) 11-моддаси «Элорту хурмати» ордени» деган сўзлардан кейин «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
526-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ИЛОВА

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени тўғрисидаги
НИЗОМ**

1. «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени билан мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига, мудофаа қурдатини кучайтириш ва миллий хавфсизлигини таъминлашга, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, ҳалқ фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшган, ўзининг ис-теъоди, билим ва тажрибасини Ватанимиз равнақига баҳш этиб, фидоийлик намунасини кўрсатиб келаётган фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар мукофотланади.

«**Фидокорона хизматлари учун**» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ беш карраси микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун хужжатларида белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланарадилар.

4. «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

5. «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

ИЛОВА

**«Фидокорона хизматлари учун» орденининг
ТАВСИФИ**

«**Фидокорона хизматлари учун**» ордени 1 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади ҳамда саккиз қиррали ёқут рангли юлдуз шаклида бўлади. Юлдуз бурчаклари орасида оқ эмаль қолламаси узра тараляётган нурлар акс этган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиғи — 52 миллиметр.

Орденнинг марказидаги доирада тилла рангдаги Ҳумо қуши тасвирланган. Унинг ортида — марказдан юқори орнадиги мовий манзара бағрида Ўзбекистон Республикасининг олтинранг ҳаритаси жойлашган.

Тасвир атрофидаги оқ эмалли ҳошия узра олтин рангдаги ҳарфлар билан **«FIDOKORONA XIZMATLARI UCHUN»** сўзлари ёзилган.

Орденнинг қуви кисмida оқ рангли пахта чаноқлари ва тилла рангли буғдоӣ бошоқлари тасвирланган.

Орқа томонининг пастки кисмida Орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботик шрифт билан ёзиғлиқ.

Орден Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ

Муаллиф Каримов И.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни

172 Жамоат фондлари тўғрисида

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Конуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади жамоат фондларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Жамоат фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Жамоат фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жамоат фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Жамоат фонди тушунчаси

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, ҳайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди (бундан буён матнда фонд деб юритилади) деб эътироф этилади.

4-модда. Фондларнинг турлари

Ўзбекистон Республикасида республика фондлари хамда махаллий фондлар ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Фаолиятини ўз уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида ёки икки ёхуд ундан ортиқ вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри) худудида амалга оширадиган фондлар республика фондлари жумласига киради.

Фаолиятини ўз уставига мувофик туман(лар), шаҳар(лар), вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси худудида амалга оширадиган фондлар махаллий фондлар жумласига киради.

5-модда. Фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари

Фонд Ўзбекистон Республикаси худудида ва бошқа давлатларда ваколатхоналар очиши хамда филиаллар ташкил этиши мумкин.

Фонднинг ваколатхонаси фонднинг ўзи турган ердан ташқарида жойлашган хамда унинг манфаатларини ифодалайдиган ва химоя қиласидаги алоҳида бўлинмасидир.

Фонднинг филиали фонднинг у турган ердан ташқарида жойлашган хамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари фонд номидан иш кўради хамда уставда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши учун фонд олдида масъулдир. Фонднинг Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган ваколатхоналари ва филиаллари юридик шахс бўлмайди, ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ваколатхоналар ва филиалларни фонд мол-мулк билан таъминлайди. Ваколатхона ва филиалнинг мол-мулки алоҳида балансда хамда фонднинг балансида ҳисобга олинади.

Фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари фонд бошқаруви томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият кўрсатади.

6-модда. Чет эл фондларининг ваколатхоналари ва филиаллари

Чет эл фондлари Ўзбекистон Республикаси худудида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатхоналарини очиши ва филиаллари ташкил этиши мумкин.

Чет эл фондларининг Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган ваколатхоналари ва филиаллари юридик шахс мақомига эга бўлиши керак.

Чет эл фондларининг Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган ваколатхоналари ва филиалларига, қонунда бошқача қоидалар белгиланган бўлмаса, фондларнинг ташкил этилиши, фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган қоидалар татбиқ этилади.

7-модда. Фондларнинг фаолияти кафолатлари

Ўзбекистон Республикасида фондларнинг фаолият эркинлиги, мулки дахлсизлиги ҳамда ишчанлик нуфузи ҳимояси кафолатланади.

Фондларнинг мол-мулки национализация, реквизация қилинмайди ва мусодара этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8-модда. Фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари

Фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг хукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя килиш асосида кўрилади.

Давлат органлари фондларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар, фондларнинг ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойихаларини қўллаб-кувватлашлари мумкин.

Давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фондлар фаолиятига аралашишига, ҳудди шунингдек фондларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

II. Фондни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

9-модда. Фондни ташкил этиш

Фонд муассисларнинг (муассиснинг) қарорига биноан ёки васиятнома бўйича ташкил этилиши мумкин.

10-модда. Фонд муассислари (муассиси)

Бир ёки бир нечта юридик ва (ёки) жисмоний Ѣахс фонд муассислари (муассиси) бўлиши мумкин.

Фонд муассислари (муассиси) фонд уставини тасдиқлайди, фонд васийлик кенгаши дастлабки таркибининг аъзоларини тайинлайди ҳамда ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

11-модда. Фонднинг васиятнома бўйича ташкил этилиши

Фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномада фонднинг мақсад ва вазифалари, унга ўтказилаётган мол-мулк ҳажми кўрсатилган ҳамда васиятномани ижро этувчи белгиланган бўлиши керак. Васиятномани ижро этувчи фонд васийлик кенгаши дастлабки таркибининг аъзоларини, агар улар васиятномада номманин кўрсатилган бўлмаса, тайинлайди, шунингдек фонднинг ташкил этилиши билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажаради.

Агар васиятномани ижро этувчи ўз зиммасига юклатилган ҳаракатларни амалга оширишдан бош тортса ёки уларни амалга оширишга қодир бўлмаса, қонун хужжатларига мувофиқ васиятномани ижро этувчи янги шахс тайинланади.

12-модда. Фонд устави

Фонд устави фонд муассислари (муассиси) томонидан тасдиқланади. Фонд васиятнома бўйича ташкил этилган тақдирда, фонд устави васиятномани ижро этувчи томонидан васиятномага мувофиқ равишда тузилади.

Фонд уставида кўйидагилар кўрсатилиши керак:

«жамоат фонди» деган сўзларни ўз ичига олган фонднинг номи;
фонднинг жойлашган ери (почта манзили);
фонднинг мақсад ва вазифалари;
фонд органларининг тузилиши, ваколатлари ва шакллантирилиш тартиби;
фонд органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш (сайлаш) ва лавозимидан озод қилиш тартиби;
фонднинг мол-мулкини шакллантириш манбалари, фонднинг, унинг ваколатхоналари хамда филиалларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги хукуқ ва мажбуриятлари;
фонд ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил этиш тартиби;
фондни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

фонд тугатилган тақдирда унинг мол-мулкидан фойдаланиш тартиби;

фонд уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби. Фонд уставида фонднинг тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган рамзий белгисининг тавсифи, шунингдек конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа коидалар хам бўлиши мумкин.

13-модда. Фондни давлат рўйхатидан ўтказиш хамда унинг ваколатхоналари ва филиалларини қайд этиш

Фондни давлат рўйхатидан ўтказиш хамда унинг ваколатхоналари ва филиалларини қайд этиш адлия органлари (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Республика фондлари, шунингдек чет эл фондларининг ваколатхоналари ва филиаллари Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Махаллий фондлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошкармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошкармаларида қайд этилиши лозим.

14-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайд этишда талаб қилинадиган ҳужжатлар

Фонд давлат рўйхатидан ўтказилиши учун қўйидаги ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга такдим этилади:

муассислар (муассис) ёки улар (у) ваколат берган шахслар (шахс) томонидан имзоланган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, түғилган йили ва яшаш жойи (почта манзили) кўрсатилган ариза;

агар фонд васиятнома бўйича ташкил этилаётган бўлса, васиятноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

таъсис йиғилиши (съездзи, конференцияси) ёки муассис (фонд бир юридик шахс томонидан ташкил этилаётган бўлса) томонидан қабул килинган, фонд муассислари (муассиси) тўғрисидаги маълумотлар, фонднинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган қарор;

фонд уставидан икки нусха;

рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати; фонднинг дастлабки маблағлари шаклланганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар муассислар (муассис) фондни ташкил этиш тўғрисида карор қабул қилган кундан эътиборан икки ой ичидаги давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади. Фонд васиятнома бўйича ташкил этилаётган бўлса, мазкур ҳужжатлар меросга бўлган хуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганидан кейин икки ой ичидаги тақдим этилади.

Чет эл фондларининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилиши учун қўйидаги ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади:

рўйхатга олиш тўғрисидаги фонд ваколатли органинг аризаси;

фонднинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, фонднинг ваколатхонаси ёки филиали тўғрисидаги низом;

ваколатхона ёки филиал мол-мулкини бошқариш учун фонднинг ваколатли органи томонидан берилган ишончнома;

фонднинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларнинг белгиланган тартибда легаллаштирилган ҳамда давлат тилига таржима қилинган матни;

рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Республика фондлари ва маҳаллий фондларнинг ваколатхоналари ҳамда филиаллари қайд этилиши учун қўйидаги ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади:

фонд бошқарувининг фонд ваколатхонасини очиш ёки филиалини ташкил этиш тўғрисидаги карори;

фонд бошқаруви томонидан тасдиқланган, фонднинг ваколатхонаси ёки филиали тўғрисидаги низом;

ваколатхона ёки филиал мол-мулкини бошқариш учун фонд бошқаруви томонидан берилган ишончнома;

фонд уставининг ва фонд давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхалари.

15-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайд этиш тўғрисидаги қарор

Фондни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки фонд ваколатхонаси ва филиалини қайд этиш учун ҳужжатларни қабул қилган рўйхатдан ўтказувчи орган бир ой ичидаги давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайд этиш тўғрисида ёхуд давлат рўйхатидан ўтказишни ёки қайд этишини рад қилиш тўғрисида қарор чиқариши шарт.

Рўйхатдан ўтказилган фондга, чет эл фонднинг ваколатхонаси ёки филиалига рўйхатдан ўтказувчи орган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома беради.

Республика ва маҳаллий фонднинг қайд этилган ваколатхонаси ва филиалига рўйхатдан ўтказувчи орган қайд этилганлик тўғрисида гувоҳнома беради.

16-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайд этишини рад қилиш асослари

Фондни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда фонд ваколатхонаси ва филиалини қайд этиш конунда назарда тутилган ҳолларда рад қилиниши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайд этишини рад қилиш асослантирилган бўлиши керак. Фондни ташкил этиш, унинг ваколатхоналарини очиш ва филиалини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билат давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайд этишини рад қилишга йўл қўйилмайди.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг фондни давлат рўйхатидан ўтказиш ва унинг ваколатхоналари ҳамда филиалларини қайд этишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек мазкур органнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайд этиш муддатларини бузганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

17-модда. Фонд уставига, фонд ваколатхоналари ҳамда филиалларининг низомларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш

Фонд уставига уставнинг ўзида назарда тутилган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Фонд уставига киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар фонднинг васийлик кенгаси томонидан тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган пайтдан эътиборан икки хафталик муддатда маълум қилинади. Фонд уставига киритилаётган ва уставда белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни ёки фонд органларини тузиш тартиби ҳамда бу органларнинг ваколатларини, шунингдек фонднинг фаолият соҳасини ўзгартирадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар фондни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказишга сабаб бўлади.

Фонд ваколатхоналари ва филиалларининг низомларига киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар фонд бошқаруви томонидан тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган пайтдан эътиборан икки хафталик муддатда маълум қилинади.

III. Фонднинг хуқуклари ва мажбуриятлари

18-модда. Фонднинг хуқуклари

Фонд:

мулк хуқуки ва бошқа ашёвий хуқуклар асосида мол-мулкли бўлишга;
фуқаролик-хуқуқий битимлар тузишга;
хайриялар, бадаллар, грантлар ва бошқа маблағлар олишга;
судда, бошқа органлар ва ташкилотларда ўз манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қилишга;
оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва ноширлик фаолиятини амалга оширишга;
ўз фаолияти тўғрисида маълумотлар тарқатишига;
ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этишга;
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда таклифлар киритишга;
ҳалқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ҳамда ҳалқаро дастурлар ва лойиҳаларда иштирок этишга ҳақли.
Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19-модда. Фонднинг мажбуриятлари

Фонд:

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва фонднинг уставига мувофиқ амалга ошириши;
фонд фаолиятининг ошкоралигини таъминлаши ва фонднинг мол-мулкидан фойдаланилиши тўғрисида ҳар йили хисоботлар эълон килиши;

рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларига фонд ўтказадиган тадбирларга эркин кириш имкониятини бериши;

ўз фаолияти тўғрисида давлат солик хизмати ва давлат статистика органлари-га хисоботлар тақдим этиши шарт.

Фонд зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

IV. Фонд фаолиятининг иқтисодий асоси

20-модда. Фонднинг мол-мулки

Муассислар (муассис) ёки васият қилувчи томонидан фондга ўтказилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк фонднинг мулкидир.

Бинолар, иншоотлар, тураг жойлар ва бошқа иморатлар, асбоб-ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қофозлар ва ўзга мол-мулк фонднинг мулки бўлиши мумкин.

Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Фондни ташкил этиш учун зарур дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фонднинг мол-мулки муассислар ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва ундан факат фонд уставида белгиланган мақсадлар ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Фонднинг мол-мулкидан гаров ёки мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг бошқа усули сифатида фойдаланилиши, шунингдек кредитлар бериш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

21-модда. Фонднинг мол-мулкини шакллантириш манбалари

Фонднинг мол-мулкини шакллантириш манбалари қўйидагилар бўлиши мумкин:

муассислар (муассис) томонидан бир йўла тўланадиган (ўтказиладиган) ёки мунтазам келиб турадиган пул ва бошқа тушумлар;

фонд васиятнома бўйича ташкил этилган тақдирда васият қилувчининг фондга ўтказилган мол-мулки;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ҳайриялари;

юридик ва жисмоний шахслар, давлат, чет эл ва халқаро ташкилотлар, чет давлатлар ажратадиган грантлар;

фонднинг тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар (фойда);

конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

22-модда. Фонднинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши

Фонд қонун хужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан ўз уставида белгиланган мақсадларга тўғри келадиган доирада шугулланиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари фонд томонидан факат лицензия асосида амалга оширилиши мумкин.

Фонднинг тижорат ташкилотлари устав фондидаги (устав капиталидаги) иштироки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Фонднинг ўзига алоқадор шахслар билан муносабатлари

Фондга алоқадор шахслар қўйидагилардир:

фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи;

фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи билан яқин қариндошлилик ёки қуда-андачилик алоқалари бўлган шахслар, шунингдек мазкур муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг кредиторлари;

фонд муассислари (муассиси) бўлмиш юридик шахсларнинг иштирокчилари, кредиторлари, шунингдек улар билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган шахслар;

устав фондида (устав капиталида) фонднинг ўзи иштирок этаётган юридик шахслар ва уларнинг ходимлари, шунингдек мазкур ходимлар билан яқин қариндошлилик ёки қуда-андачилик алоқалари бўлган шахслар;

фонд васийлик кенгашининг аъзолари, фонд бошқарувининг раҳбари ва аъзолари, фонд тафтиш комиссиясининг аъзолари, фонднинг бошқа ходимлари, шунингдек улар билан яқин қариндошлилик ёки қуда-андачилик алоқалари бўлган шахслар.

Фонднинг ўзига алоқадор шахслар билан битимлар тузишига, шунингдек уларнинг фойдасини кўзлаб бошқа харакатлар содир этишига васийлик кенгашининг розилиги билан йўл кўйилади. Фонд қўйидаги ҳолларда ўзига алоқадор шахслар билан битимлар тузишга ёки уларнинг фойдасини кўзлаб бошқа харакатлар содир этишига ҳакли эмас:

фондга алоқадор шахслар билан бундай битимлар тузиш ёки харакатлар содир этиш фондга алоқадор бўлмаган шахслар билан бўлгандагига нисбатан бир мунча қулай шартларда амалга оширилаётган бўлса;

фондга алоқадор шахс фонд васийлик кенгашининг аъзоси бўлса.

24-модда. Фонднинг мол-мулкидан фойдаланиш

Фонднинг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни коплаш учун фойдаланилади.

Фонднинг маъмурий харажатлари фонд томонидан хисобот даврида фондни бошқариш учун қилинган барча харажатларни ва биринчи навбатда унинг активларини асраш ҳамда сақлаб туриш учун зарур харажатларни, фонднинг ўз уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун рекламага сарфлаган харажатларини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фонд фаолияти билан боғлиқ харажатларни ва тўловларни ўз ичига олади.

Ҳар йилги маъмурий харажатларнинг жами суммаси, шунингдек фонднинг васийлик кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига хақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш фонд барча харажатлари суммасининг ўйигирма фоизидан ошмаслиги керак.

Фонднинг мол-мулки фондга алоқадор шахслар ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Фонднинг мол-мулкини кўпайтириш учун фондга маблағ киритган шахслар маблағ бераётганда бу маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши тўғрисида, шу жумладан фондни қайта ташкил этишда ёки тугатишда маблағларни қайтириш шартлари тўғрисида фонд билан шартномалар тузиши мумкин.

25-модда. Фондда ҳисобга олиш ва ҳисобот

Фонд ўз фаолияти натижалари ҳисобини юритади ҳамда белгиланган тартибда давлат солик хизмати органлари ва давлат статистика органларига ҳисобот тақдим этади.

Фонд хар йили олдинги йилдаги ўз фаолияти тўғрисида қўйидагиларни ўз ичига олган ҳисобот эълон қиласди:

фонднинг ҳисобот давридаги фаолияти шархини, бу фаолият фонднинг уставида белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқлиги даражасини кўрсатган ҳолда;

фонднинг йиллик молиявий ҳисботини, аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўрсатган ҳолда;

фонд олган ихтиёрий хайриялар тўғрисидаги маълумотларни;

фонднинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлари (фойдаси) тўғрисидаги маълумотларни, бу даромадларнинг (фойданинг) келиб чиқиш манбаларини алоҳида-алоҳида кўрсатган ҳолда;

харажатлар умумий суммасини, фонд фаолиятининг айрим турлари бўйича ва маъмурий харажатлар бўйича алоҳида-алоҳида кўрсатган ҳолда;

фонд устави ва фонд органларидағи ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни;

фонднинг уставида ёки фонднинг васийлик кенгаши томонидан белгиланган бошқа маълумотларни.

V. Фондни бошқариш

26-модда. Фонднинг васийлик кенгаши

Фонднинг васийлик кенгаши фонднинг органи бўлиб, у фонд фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Фонд васийлик кенгашининг таркиби камидан уч кишидан иборат бўлиши кепрак. Васийлик кенгаши дастлабки таркибининг аъзолари муассислар (муассис) томонидан ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилган бўлса, васиятномада назарда тутилган тартибда тайинланади.

Фонднинг васийлик кенгашини тузиш, васийлик кенгаши йигилишларини чакириш ва васийлик кенгашининг қарорларини қабул қилиш тартиби фонд уставида белгиланади.

Фонд васийлик кенгашининг аъзолари айни бир вақтнинг ўзида фонднинг бошқаруви ва тафтиш комиссиясига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Фонднинг уставида фонд васийлик кенгашининг аъзоларига ҳақ тўлаш ва уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлик харажатларини компенсация қилиш назарда тутилиши мумкин.

27-модда. Фонд васийлик кенгашининг ваколатлари

Фонд васийлик кенгашининг ваколатларига қўйидагилар киради:

фонд фаолияти устидан ҳамда ушбу фаолият конун хужжатлари ва фонд уставига, фонд васийлик кенгашининг қарорларига мувофиқ бўлиши устидан назоратни амалга ошириш;

фонд уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш;

фонднинг бошқаруви ва тафтиш комиссиясини тузиш;

фонднинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкидан фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

фонд бюджетини тасдиқлаш;

фонднинг йиллик балансини, йиллик молиявий ҳисботини, шу жумладан фонд бошқарувининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботини тасдиқлаш;

фонд фаолиятини навбатдан ташқари текшириш учун аудиторлик ташкилотини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

фонд бошқарувининг фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларга зид бўлган қарорлари ижросини тўхтатиб қўйиш ёки уларни бекор қилиш;

фондни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Фонднинг уставида фонд васийлик кенгашининг ваколатларига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Фонд васийлик кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал этиш учун фонднинг бошқаруви ёки тафтиш комиссиясига ўтказилиши мумкин эмас.

Фонднинг васийлик кенгashi фонднинг бошқа органларидан фонд фаолиятига таалукли хужжатларни талаб қилиш ва олишга ҳақли.

Фонд васийлик кенгашининг қарорлари фонднинг бошқаруви ва бошқа органлари, фонд ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

28-модда. Фонд бошқаруви

Фонд бошқаруви фонднинг ижроия органидир. Фонд бошқарувининг таркиби фонд васийлик кенгashi томонидан шакллантирилади.

Фонд бошқарувининг раҳбари ва аъзолари фонд васийлик кенгashi ва тафтиш комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Фонд бошқаруви йилига камидан бир марта ўз фаолияти тўғрисида васийлик кенгашига ҳисобот тақдим этади.

29-модда. Фонд бошқарувининг ваколатлари

Фонд бошқарувининг ваколатларига қўйидагилар киради:

фонднинг жорий фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

фонд томонидан ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

фонд васийлик кенгashi билан келишув асосида фонд ходимларининг штат жадвали ва иш ҳақи миқдорини белгилаш;

фонд васийлик кенгashi билан келишув асосида ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

фонднинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш.

Фонд устави фонд бошқарувининг ваколатларига бошқа масалаларни ҳам киритиши мумкин.

30-модда. Фонд бошқарувининг раҳбари

Фонд бошқарувининг раҳбари фонд бошқаруви фаолиятига раҳбарлик килади, давлат органлари, ҳалқаро ташкилотлар ва чет эл ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фонд номидан иш кўради.

VI. Фонд фаолияти устидан назорат

31-модда. Фонднинг тафтиш комиссияси

Фонднинг молиявий фаолиятини ҳамда унинг пул маблағлари тўғри сарфланиши ва мол-мулкидан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш учун камидан уч кишидан иборат таркибда фонд тафтиш комиссияси тузилади.

Фонд тафтиш комиссиясининг аъзолари фонд васийлик кенгashi томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Фонд тафтиш комиссиясининг таркиби, ваколатлари ва фаолият муддати фонд уставида белгиланади.

Фонд тафтиш комиссиясининг аъзолари айни бир вақтнинг ўзида фонднинг васийлик кенгаши ва бошқаруви аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Фонд тафтиш комиссияси фонд васийлик кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши чакирилишини талаб қилишга хақли.

Фонд уставида фонднинг тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш назарда тутилиши мумкин. Тўланадиган бундай ҳақ ва компенсация микдори фонднинг уставига мувофиқ фонд васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

32-модда. Фонд тафтиш комиссиясининг текширувлар ўтказиши

Фонднинг молиявий фаолиятини ва фонд бошқаруви томонидан пул маблағлари тўғри сарфланаётганлигини ҳамда бошқа мол-мулкдан тўғри фойдаланилаётганлигини текширишни фонд васийлик кенгашининг қарорига биноан фонд тафтиш комиссияси фонднинг бир йиллик ёки бошқа муддатдаги фаолияти якунлари бўйича амалга оширади.

Фонднинг мансабдор шахслари фонд тафтиш комиссиясининг талабига биноан комиссияга фонднинг молиявий фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тақдим этиши шарт.

Фонднинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари асосида фонд тафтиш комиссияси қўйидагиларни ўз ичига олган хulosса тайёрлади:

хисоботлардаги ва бошқа молиявий хужжатлардаги маълумотларнинг ишончли эканлигига берилган баҳо;

бухгалтерия хисоби юритилиши ва молиявий хисобот тақдим этиш тартиби бузилганлиги ҳоллари тўғрисидаги маълумот;

аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар, шунингдек фонд молиявий фаолияти самарадорлигини оширишга оид таклифлар.

33-модда. Фонд фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш

Фонд қонун хужжатларига мувофиқ ҳар йили ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказади.

Аудиторлик ташкилотини фонднинг васийлик кенгаши танлайди. Фондга алоқадор шахслар фонд фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишига аудитор сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

34-модда. Фонд фаолиятини тўхтатиб қўйиш

Фонд қонун хужжатларини ва фонд уставида белгиланган талабларни бузган тақдирда унинг фаолияти рўйхатдан ўтказувчи органнинг аризасига биноан суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Фонд фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби ва муддатлари қонун хужжатларидан белгиланади.

35-модда. Фонд фаолияти устидан давлат назорати

Фонд фаолияти устидан давлат назорати рўйхатдан ўтказувчи орган ва бошқа ваколатли органлар томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Якунловчи қоидалар

36-модда. Фондни қайта ташкил этиш

Фонднинг васийлик кенгаши қарорига биноан фонд қайта ташкил этилиши мумкин.

Фонднинг қайта ташкил этилишига фақат бошқа фонд билан қўшиб юборилган, бошқа фондни бирлаштириб олган ёки бошқа фондга бирлаштирилган ҳолларда йўл қўйилади.

37-модда. Фондни тугатиш

Фондни тугатиш манфаатдор шахсларнинг аризасига асосан суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Фонд қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

фонд ташкил этилишидан кўзланган мақсадгага эришилганлиги муносабати билан;

фаолият муддати тугаганлиги муносабати билан;

агар фонднинг мол-мулки фонд ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш ва вазифаларни амалга ошириш учун етарли бўлмаса, зарур мол-мulkни олиш эса эхтийоддан йироқ бўлса;

агар фонд ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш мумкин бўлмаса, мазкур мақсадларни эса зарур тарзда ўзгартириб бўлмаса;

фонд ўз уставида белгиланган мақсад ва вазифалардан четта чиқкан бўлса;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда;

Фондни тугатиш қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади:

Фонднинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки фонднинг муассислари (муассиси), шунингдек фонднинг васийлик кенгаши, бошқаруви, тафтиш комиссияси аъзолари ёки фонд ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва ундан фонд уставида назарда тутилган тартибда, фондни ташкил этишдан кўзланган мақсадларда ва (ёки) ҳайрия мақсадларида фойдаланилади.

38-модда. Низоларни ҳал этиш

Фонdlарни ташкил этиш, уларнинг фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тутатилиши соҳасидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

39-модда. Жамоат фонdlари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Жамоат фонdlари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
527-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

173 «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Конунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта қўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 29 август,
528-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

174 Банк сири тўғрисида

1-модда. Ушбу Конуннинг мақсади

Ушбу Конуннинг мақсади банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш, сақлаш, муҳофаза қилиш, эълон қилиш ва тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Конун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Банк сири

Банк сири банк томонидан муҳофаза қилинадиган қўйидаги маълумотлардан иборатdir:

ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар;

банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган молмулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳакидаги маълумотлар;

мижоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар.

4-модда. Учинчи шахслар

Банк, унинг мижози (вакили) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ташқари бошқа барча шахслар учинчи шахслар хисобланади.

5-модда. Банк сирининг ошкор қилиниши

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш, оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд бошқа йўсинда тарқатиш ёки маълум қилиш, учинчи шахслар эътиборига етказиш, бундай маълумотларни қўлга киритиши учун учинчи шахсларга бевосита ёки билвосита, шу жумладан ана шундай маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёхуд маълум бўлиб қолган ёки ушбу Конунда белгиланган тартибида тақдим этилган шахслар томонидан бундай маълумотларни саклаш тартибининг бузилиши оқибатида имконият яратиб бериш банк сирининг ошкор қилиниши деб хисобланади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банк томонидан учинчи шахсларга ушбу Конунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек банкка юридик, бухгалтерия, аудиторлик, ахборот ва маслаҳат йўсинидаги хизмат кўрсатувчи шахсларга маълум қилиниши ёки тақдим этилиши, башарти бу ана шундай хизмат кўрсатиш зарур бўлса ҳамда мазкур шахслар ушбу Конуннинг 6-моддасида белгиланган хараткларни содир этишдан ўзларини албатта тийсалар, банк сирининг ошкор қилиниши деб хисобланмайди.

6-модда. Банк сирининг ошкор қилинишини тақиқлаш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган ёхуд ушбу Конунда белгиланган тартибида тақдим этилган шахслар томонидан бу маълумотларнинг ошкор қилиниши ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланилиши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига қонун билан юклатилган вазифаларни амалга ошириши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этишга ёки тақдим этишга ҳақли эмас, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7-модда. Банк сирининг муҳофаза қилиниши

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши банк томонидан кафолатланади.

Банкнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилиши, шунингдек мазкур маълумотлардан шахсий мақсадда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиши, учинчи шахсларга бундай фойдаланиш имкониятини бевосита ёки билвосита, шу жумладан

ана шундай маълумотларни сақлаш тартибини бузиш оқибатида яратиб бериши тақиқланади.

Банкнинг раҳбари ёки бошқа ходими банкда ишлаш даврида ўзига маълум бўлиб қолган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг банк билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг тегишли равишда сақланиши учун банк зарур ташкилий ва техникавий чора-тадбирлар кўриши шарт.

Агар банк билан мижоз (вакил) ўртасида низо келиб чиқсан бўлса, банк ўз хуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш учун судга мижознинг (вакилнинг) банк сирини ташкил этувчи маълумотларни зарур холларда ва доирада маълум қилиши мумкин.

8-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, у ваколат берган вакилларга, шунингдек ушбу Қонунда белгиланган тартибда бошқа шахсларга тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз мижозлари ҳақидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этади.

9-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни прокуратура, тергов ва суриштирув органларига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

10-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга ва суд ижрочисига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритуvidаги ишлар бўйича тақдим этилади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар суд ижрочисига унинг ёзма сўрови асосида, суднинг ундирувни мазкур банк мижозининг (вакилининг) мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ёки бу мижознинг (вакилнинг) мол-мулкини хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори бўлган тақдирда тақдим этилади.

11-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни давлат солик хизмати органларига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солик хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солик солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун хужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

12-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тартиби

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек суд ижрочисига тақдим этиш, бунинг учун ушбу

Конунда назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, уларни сўраётган органга ёпиқ ва муҳрланган конвертда юбориш орқали амалга оширилади.

13-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни мижознинг (вакилнинг) меросхўрлари ёки хукуқий ворисларига тақдим этиш

Мижоз (вакил) тўғрисидаги, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар унинг меросхўрлари ёки хукуқий ворисларига, агар уларнинг ўзи ёки улар ваколат берган вакиллар қонун хужжатларига мувофиқ мерос хукуқини ёки хукуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур хужжатларни тақдим этсалар, банк томонидан тақдим этилади.

Мерос хукуқини ёки хукуқий ворисликни тасдиқламайдиган хужжатлар олинган тақдирда, банк мурожаат қилган шахсни у сўраган маълумотларни тақдим этиш имконияти йўқлиги хусусида уч иш куни ичida ёзма равиша хабардор қилиши шарт, шунингдек кўшимча хужжатлар тақдим этишини талаб қилишга ёки мурожаат этган шахснинг мерос хукуқини ёхуд хукуқий ворислигини тасдиқлаб бериш тўғрисидаги ёзма сўровни тегишли нотариусга ёки юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга юборишга ҳақли. Мерос хукуқини ёки хукуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур хужжатлар тақдим этилган тақдирда, банк мурожаат этган шахсга беш иш куни ичida тегишли мижоз (вакил) тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни бериши ва барча хужжатларни тақдим этиши шарт.

14-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши

Банклар ўз фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш, омонатларни, кредитлар ва бошқа инвестицияларнинг кайтарилишини кафолатлаш мақсадида ўз мижозлари (вакиллари) тўғрисидаги маълумотларни қонунда белгиланган тартибда ва доирада ўзаро алмашиб туришлари ва бир-бирларига тақдим этишлари мумкин.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига, шунингдек омонатчиларга пулларни қайтариш тадбир-чораларини кўриш учун агент банкларга тақдим этилади.

Бошқа банкнинг мижози (вакили) тўғрисидаги маълумотларни олган банк бундай маълумотларни ошкор қилишга ва учинчи шахсларга тақдим этишга ҳақли эмас.

15-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш чегараси

Банк ушбу Конунга мувофиқ факат ўз мижозига (вакилига) доир, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этади, бунда мижознинг (вакилнинг) банкда сақланаётган хужжатларида бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлса, бундай маълумотлар ҳам мижозга (вакилга) доир маълумотлар деб хисобланади.

16-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар тақдим этишини рад қилиш

Агар банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги талаб ушбу Конуннинг қоидаларига мувофиқ бўлмаса, банк бундай маълумотлар тақдим этишини рад қилиши шарт.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этишни рад қилганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли эмас, ушбу Конунда кўрсатилган холлар бундан мустасно.

17-модда. Низоларни ҳал қилиш

Банк сири билан боғлиқ низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

18-модда. Банк сири тўғрисидаги конун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган шахснинг бу маълумотларни ноконуний равишда ошкор қилганлиги ёхуд улардан ноконуний фойдаланганлиги ҳамда банк мижозига (вакилига) зарар етказганлиги конунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 август,
530-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**175 «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қиласи:

1. «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирасин, вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 август,
531-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

176 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўйидаги Фармонларига ўзгартишлар киритилсин:

«Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги ПФ-745-сон Фармони 7-бандидаги «хорижий валютадаги тушумдан солик тўлашдан ва валютани Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий сотишдан» сўзлари «хорижий валютадаги тушумдан ваколатли банкларга мажбурий сотишдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон Фармони 5-бандининг учинчи хатбоши чиқарип ташлансин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 1 августдаги ПФ-1827-сон Фармони билан тасдиқланган Республика пул-кредит сиёсати комиссияси тўғрисидаги низомнинг 3.1-бандидаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилари чиқарип ташлансин.

2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июнданги ПФ-1193-сон Фармонининг 3-банди;

«Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рафбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 майдаги ПФ-1467-сон Фармонига илованинг 32-банди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 1 июнданги ПФ-2010-сон Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 декабрдаги ПФ-2772-сон Фармонига илованинг 2-бандидаги «а» кичик банди, 3 ва 4-бандлари.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 1 октябрь,
ПФ-3323-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

178 Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 16 июлдаги 317-сон ва «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 355-сон қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек қонун хужжатларини қабул қилинган қарорларга мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Халқаро валюта фонди Битими Моддаларининг VIII моддаси доирасида Ўзбекистон Республикаси томонидан мажбуриятлар қабул қилиниши билан валюта операциялари кўплаб айирбошлиш курслари амалиётини ёки чекловчи (камситувчи) валюта чора-тадбирларини кўлланмасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республика валюта биржасида операциялар ҳажмини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 23 ноябрдаги 566-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 5 декабрдаги 467-сон қарорига 2-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Марказий банк раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 1 октябрь,
420-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 1 октябрдаги 420-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операция-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида» 1996 йил 13 мартағи 95-сон қарорида:

6-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

Импорт контактини хисобга олиш ва унинг харакатини назорат қилиш схемаси (Импорт операциялари бўйича контрактларни хисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш түғрисидаги низомга илова) иловага мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бартер асосидаги экспорт-импорт операцияларини қисқартириш чора-тадбирлари түғрисида» 1996 йил 13 августдаги 280-сон қарорида:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «МДХ ва Балтия мамлакатларига» сўзлари чиқариб ташлансан;

2-банднинг учинчи хатбошидаги «шунингдек валюта маблагларининг бир қисми белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сотилиши» сўзлари чиқариб ташлансан;

3-банддаги «шунингдек валюта маблагларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий равишда сотилиши» сўзлари чиқариб ташлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш марказини Ўзбекистон Республикасининг Истикболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси хузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш республика марказига айлантириш түғрисида» 1996 йил 14 августдаги 286-сон қарорига 1-илова II бўлумининг 2-банди ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари түғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда):

4-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

1-илова 2-бандининг «е» кичик банди ва 3-банднинг саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар түғрисида» 2000 йил 30 июндаги 250-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 6-сон, 34-модда):

2-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги хатбоши билан алмаштирилсан:

«жисмоний шахсларга йўл чеклари ваколатли банклар томонидан алмаштириш пунктларида операцияни амалга ошириш кунидаги сотиб олиш курси бўйича уларнинг хошишига кўра нақд миллий валютага ёки нақд хорижий валютага алмаштирилади»;

2-илова 12-бандининг еттинчи ва саккизинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги хатбоши билан алмаштирилсан:

«жисмоний шахсларга йўл чеклари ваколатли банклар томонидан алмаштириш пунктларида операцияни амалга ошириш кунидаги сотиб олиш курси бўйича уларнинг хошишига кўра нақд миллий валютага ёки нақд хорижий валютага алмаштирилади»;

За-илова (махфий) ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини яна-да эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қаро-ри (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда) 8-бандининг учинчи хатбоидаги «асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар» сўзлари «товарлар» сўзи билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда):

2-банднинг «в» кичик бандидаги «истеъмол товарлари, асбоб-ускуналар, бут-ловчи буюмлар, хом ашё, материаллар» сўзлари «товарлар» сўзи билан алмашти-рилсин;


3-бандда:

«г» кичик банди чиқариб ташлансин;

«д» ва «е» кичик бандлар тегишли равишда «г» ва «д» кичик бандлар ҳисоблан-син.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришларга ИЛОВА

Импорт контрактини ҳисобга олиш ва унинг ҳаракатини назорат қилиш схемаси



1. Импорт контрактни тузиш ва имзолаш.
2. Контрактни ҳисобга кўйиш, Битишув паспортини расмийлаштириш (муддати – 2 кун).
3. Контракт ваколатли банкларда ҳисобга кўйилгандан кейин 7 кундан орти қ бўлмаган муддатда уни импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат бозхона қўмитаси худудий бошқармаларининг валюта назорат қилиш бўлимларида ҳисобга кўйиш, Битишув паспортини тасди қлаш (муддати – 2 кун, хўжатлар топширилган кундан таш кари).
4. Зарурят бўлганда – Ўзбекистон республика валюта биржасида хорижий валюта харид қилиш, аванс тўловини ўтказиши.
5. Божхона хизмати томонидан товар ўз ва қтида тушишининг мониторингини амалга ошириши.
6. Товар келиб тушиганда божхона хизмати товарни сертификатлаш тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда Битишув паспортига белги кўяди.
7. Зарурят бўлганда – Ўзбекистон республика валюта биржасида хорижий валюта харид қилиш. Тушган товар ҳакини тўлаш, Битишув паспортини ҳисобдан чиқариш.
8. Товар контрактда ёки қонун хўжатларида белгиланган муддатларда келиб тушимагандага божхона соли қ органларига ахборот та қдим этади. Банк импорт қилувчининг ҳисоб рақами бўйича операцияларни тўхтатиб кўяди ва шунингдек ахборотни соли қ органларига жўн атади.
9. Солиқ органлари контракт шартлари бажарилмаганинг сабабларини текширади ҳамда зарурят бўлганда жарима санкциялари кўллаиди ёки ишни тегиши органларга беради.
10. Импорт қилувчининг ҳисоб рақамлари бўйича операциялар банкда унинг томонидан жарима тўлангунгача тўхтатиб кўйилади.
11. Жиноят иши кўзгаш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

179 Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 28 августдаги Ф-1832-сон Фармойишига мувофиқ тузилган маҳсус гурух томонидан «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланган. Газ таъминоти тизимида бозор муносабатлари жуда секинлик билан жорий этилмоқда, қатъий тўлов интизоми мавжуд эмас. Табиий газнинг исроф бўлишига ва ўғирланишига йўл кўйилмоқда, газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олишнинг кўпдан-кўп холлари мавжуд.

Хисоб-китоб-тўлов интизомига риоя этилмаслиги, сотилган табиий газ учун ўз вақтида ҳақ тўланиши устидан назоратнинг сустлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори юқорилигича қолмоқда. Уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жихозлаш ишлари қолоқлик билан олиб борилмоқда.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан назорат ўрнатилмаганлиги туфайли «Бошкоммунгаз» корхонасининг худудий бўлинмалари ҳузурида ўзбошимчалик билан ортиқча бўғин — «Ўзтехгаз» шўъба корхонаси ва «Техгаз» худудий шўъба бошқармалари ташкил этилган, уларга газ тармоқларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қуриш функциялари берилган. Бу бошқарув ходимлари сонининг асосиз кўпайиб кетишига олиб келди.

Табиий газ сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш, республика газ таъминоти тизимини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, хисоб-китоб-тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. «Бошкоммунгаз» корхонаси ва унинг «Ўзтехгаз» шўъба корхонаси тугатилсин.
